

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2022 йил январь ойининг 13 куни, жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди “Ялонғоч” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, судья С.Абдуганиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси С.Очиловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Мирзо Улуғбек туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Джалилов, судланувчи ДМ ва унинг ҳимоячиси Р.Пулатовнинг иштирокида, ДМга нисбатан 1-1001-2205/12-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

МДЮ (MDY), 1983 йил 2 июлда Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оиласидан ажрашган, 3 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта-махсус, ишсиз, судланмаган, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, ХХХ мавзеси, Х-уй, ХХ-хонадонда яшовчи, иш бўйича шахсий кафиллик эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

МДЮ 2021 йил 26 ноябрь куни тахминан соат 18:00 да Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-мавзесида жойлашган бозор ҳудудида маст ҳолда юрганлиги ва ўзини шубҳали тутганлиги сабабли шахсини аниқлаш мақсадида Мирзо Улуғбек туман ИИО ФМБ 2-сонли ИИБ биносига олиб келиниб, холислар иштирокида ёнидаги буюмлари кўздан кечирилганда, унинг эғнидаги кўк рангли куртканинг чап чўнтагида ўтказиш мақсадини кўзламай, ўзининг истеъмоли учун “Milano” номли сигарета қутисини ичида 1.000 сўмлик купюрага ўралган ҳолда “Марихуана” гиёҳвандлик воситасини сақлаб келган ва ушбу модда ундан баённома асосида олиб қўйилган.

Тошкент шаҳар ИИББ ЭКМнинг 2021 йил ХХ ноябрдаги 2/ХХ-сонли судга оид кимёвий экспертизаси хулосасига кўра, ДМдан олинган модда таркибида фаол гиёҳванд модда “тетрагидроканнабинол” мавжуд бўлган “Марихуана” эканлиги, унинг оғирлиги 1,36 граммга тенглиги аниқланган.



Судланувчи ДМ суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2021 йил 26 ноябрь куни яшаш уйдан ТТЗ бозорига бориш мақсадида чиқаётган вақтида ўзини истеъмоли учун “Чингелди” мавзесидан синдириб олиб хонасида қуритишга қўйган нашани чекиш учун тайёр ҳолатга келиб қолганлигини кўриб, 1.000 сўмлик пулга ўраб, сигарет қутисига солиб олганлигини, сўнг ТТЗ бозорининг ёнидаги спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи магазинлардан бирига кириб, спиртли ичимлик ичганлигини, кафеда бир шахс билан ўзаро жанжаллашиб қолганлигини, кафедан чиқмоқчи бўлган вақтида ИИО ходимлари келиб, уни ИИБга олиб кетишганлигини, унинг ёнидаги буюмлар 2-сонли ИИБ биносида холислар иштирокида кўздан кечирилганда куртқасидан чап чўнтагидан “Milano” сигарета қутиси ичида бўлган 1.000 сўмлик купюрага ўралган “Марихуана” гиёҳвандлик воситаси аниқланиб, баённома асосида ундан олиб қўйилганлигини, ушбу гиёҳвандлик воситаси ҳеч кимга ўтказмаганлигини ва уни ўтказиш мақсади бўлмаганлигини, илгари гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилмаганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини айтиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Гувоҳ БА суд мажлисида, 2021 йил 26 ноябрь куни Мирзо Улуғбек тумани ИИО ФМБ хизмат кўрсатувчи маъмурий ҳудудида жамоат тартибини сақлаш бўйича хизматга жалб этилиб, ушбу куни соат тахминан 17:30да ҳамкасби билан патруллик йўналишига бириктирилган 01 410 VSF давлат рақамли “Nexia-2” русумли автомашинада патруллик йўналишида кетаётган вақтида Мирзо Улуғбек тумани 2-сонли ИИБ навбатчилик қисмидан Мирзо Улуғбек туманидаги ТТЗ бозори қаршисидаги спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи савдо дўконининг бирида, бир нафар фуқаро маст ҳолатда жанжал кўтармоқчи бўлаётганлигини, ушбу жойда бошқа ИИО ходимлари ҳам мавжудлигини, уларга ёрдам бериш учун ушбу жойга бориши тўғрисида кўрсатма бўлганлигини, айтилган жойга борган вақтида ДМ маст ҳолатда турганлигини, ушбу шахсни хизмат автомашинасида Мирзо Улуғбек тумани ИИО ФМБ 2-сонли ИИБга олиб келган вақтида ЖҚБ ходимлари яна икки нафар фуқарони ҳам ИИБга олиб келишганлигини, шундан сўнг ДМнинг ёнида бўлган буюмлари кўздан кечирилганда унда гиёҳвандлик воситаси топилганлигини ва баённома асосида олиб қўйилганлигини айтиб, кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, ҳимоячининг фикрини, судланувчи ДМнинг кўрсатувини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ДМнинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг айбига иқрор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, тарафларнинг розилиги билан дастлабки терговдаги кўрсатуви ўқиб эшиттирилган гувоҳ ЧЖ ва ММларнинг кўрсатувлари, тушунтириш хатлари, олиб қўйиш, юзлаштириш ва тинтув баённомалари, ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор, судга оид кимёвий экспертиза хулосалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.



Суд ДМнинг жиноий ҳаракатлари юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг, гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда эгаллаш ва сақлашда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, жиноят иши ҳужжатларида судланувчи ДМ гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда тайёрлаганлиги ва ташиганлигини тасдиқловчи объектив далиллар мавжуд эмаслиги ҳамда ушбу ҳолат суд тергови давомида ҳам ўз тасдиғини топмаганлигини инobatга олиб, дастлабки тергов органи томонидан ДМнинг гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш ва ташишда ифодаланган ҳаракатлари ортиқча малакаланган деб ҳисоблайди ва шу сабабли ушбу жиноий аломатларни унинг айбловидан чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қароридан судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги, булардан келиб чиқиб, судланувчининг жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, шунингдек, унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54-моддасига биноан жазо тайинлашда, суд томонидан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиш лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши- ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага киритилганлиги билан белгиланиши, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланиши кўрсатилган.

Суд, юқорида қайд этилган Пленум қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, судланувчи ДМга нисбатан жазо тайинлашда унинг



шахсини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, унинг ёшини, айбига иқдорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, судланмаганлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш мумкин ва ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмаганлиги жиноят содир этилишига сабаб бўлган деган хулосага келиб, унга у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топади.

Суд Тошкент шаҳар наркология диспансерининг 2021 йил 14 декбардаги 1319-сон далолатномасига асосан ДМ гиёҳвандликдан даволанишга муҳтож эмаслигини инобатга олган ҳолда, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси тартибида гиёҳвандликдан мажбурий тарзда даволаш чоралари қўллашни мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларига амал қилган ҳолда, ЖПКнинг 211-моддасига асосан иш бўйича ашёвий далиллар тақдирини ҳал қилиб, иш юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ МТТБ Махсус гуруҳида сақланаётган 1,175 грамм “Марихуана” гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни, 1 дона “DVD” дискни жиноят ишида сақлашни лозим топади.

Суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473 моддаларини қўллаб,

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

МДЮ (MDY) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга иш ҳақининг 15 (ўн беш) фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ДМга тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, мазкур жазони ижро қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтаттирилсин.

Жазо ўташ муддати ҳукм ижрога қаратилган кундан ҳисоблансин.

Жазони ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ИИББ Пробация бўлими Мирзо Улуғбек тумани гуруҳига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач ДМга нисбатан қўлланилган шахсий кафиллик эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ МТТБ Махсус гуруҳида сақланаётган полиэтилен пакетда бўлган 1,175 грамм “Марихуана” гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин, 1 дона “DVD” диск жиноят иши ҳужжатларида сақлансин.



Хукмдан норози тарафлар хукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи хукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

С.Абдуганиев

